

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2019 йил
13 февраль
ЧОРШАНБА

№ 12 (13169)

@haqiqatonline

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатда ижтимоий етимликнинг олдини олиш, аҳоли ва ёшлар орасида соғлом оила қуришга масъулият билан ёндашишни тарғиб қилиш, оилавий қадриятларга маънавий-ахлоқий муносабатни шакллантириш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Кўрилган чора-тадбирлар тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини сезиларли равишда камайтиришга ёрдам берди.

Шу билан бирга, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шакллари кенг жорий этиш, айниқса, уларни тарбиялаш учун оилага қабул қилиш (патронат), шунингдек, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чоралар кўриш талаб этилмоқда.

Ижтимоий етимликни янада камайтириш, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш, уларнинг жадал ижтимоий мослашуви учун кенг имкониятлар яратиш, тарбия муассасаларининг иш фаолиятини яхшилаш, шунингдек, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлоднинг тарбиялашда оиланинг ролини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг;

2019 йил 1 мартдан "Меҳрибонлик"

уйлари ва болалар шаҳарчаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячилари, шунингдек, барча турдаги халқ таълими муассасалари тарбиячиларининг базавий тариф ставкасини 1,5 баробарга ошириш ва уни умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкасининг 75 фоизи даражасида белгилаш;

2019 йил 1 октябрдан "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари раҳбар ходимлари ва олий маълумотли тарбиячилари ҳамда барча турдаги халқ таълими муассасалари олий маълумотли тарбиячиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактабларининг тегишли раҳбар ва педагогик ходимлари базавий тариф ставкаларига тенглаштириш, бунда айрим фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбиячилари учун кўзда тутилган устамани бекор қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Белгилансинки:
2019 йил 1 мартдан бошлаб оилага тарбияга олинган (патронат) ҳар бир бола учун тўланадиган нафақа миқдори 1,33 баробарга оширилиб, 820 000 сўмни ташкил қилади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

2019 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва тарбиячиларига меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун ҳар ойда тўла-

надиган устама ҳақи лавозим маошининг 75 фоизи миқдорида тўланади; вазийлик ва ҳомийлик органлари ходимларига ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ транспорт харажатларини қоплаш учун ҳар ойда 170 000 сўм миқдорида компенсация тўланади, кейинчалик инфляция ҳажмидан кам бўлмаган миқдорда ошириб борилади;

болалар уйлари, ногирон болалар учун "Мурувват" интернат уйлари ҳамда сил касаллигига қарши болалар санаторийси тарбиячиларига тегишли тоифадаги давлат мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкаси миқдорлари қўлланилади;

оилавий болалар уйлари тарбияловчи ота-оналарининг базавий тариф ставкаси "Меҳрибонлик" уйлари тарбиячилари учун белгиланган базавий тариф ставкасининг икки баробари миқдорида ҳисобланади, бунда меҳнатнинг алоҳида шароитлари учун амалдаги устама ҳақи бекор қилинади ва "Меҳрибонлик" уйлари тарбиячилари учун белгиланган ҳар йилги таътиллар, имтиёзлар ва кафолатлар бериш тартиби сақлаб қолинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйлари 1 та психолог штат бирлиги, тарбияланувчилари сони 200 на-

фардан ортиқ бўлган "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйлари 2 та психолог штат бирликларини киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил давомида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Халқ таълимини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан замонавий компьютер синфларини очиш, тарбияланувчиларни замонавий компьютер дастурлаш кўникмаларига ўқитишни ташкил қилиш ва ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрлашнинг таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлари, идоралар, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда оила институтини мустаҳкамлаш, ижтимоий етимликнинг олдини олиш, шунингдек, "Меҳрибонлик" уйлари-ни босқичма-босқич кам комплектли болалар шаҳарчаларига ҳамда ижтимоий муассасаларнинг бошқа муқобил шаклларида ўтказиш мақсадида 2019 йил 1 июнга қадар муддатда 2019-2023 йилларда "Меҳрибонлик" уйлари-ни ноинституционаллаштириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Давоми 2-бетда ➡

Бизнинг суҳбат

Жорий йил бошидан кенг жамоатчилик орасида қўллаб-қувватлаш бўлаётган мавзу бу, албатта, янги солиқ концепциясидир. Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот олиш учун вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Қаҳрамон Ходжаев билан суҳбатлашдик.

Қаҳрамон Ходжаев: «СОЛИҚЛАР КИМНИНГДИР ЧЎНТАГИГА ТУШМАЙДИ...»

— Айрим одамларда солиқ сиёсати ҳақида нотўғри тушунчалар шаклланган, — дейди суҳбатдошимиз. — Уларда тўлаётган солиқлари кимнингдир чўнтагига тушапти деган, гумон бор. Аслида, тўланган солиқлар — бизни қўриқлаётган армия, замонавий мактаб, яхши таълим, сифатли тиббий хизмат, текис ва равион йўл, ўз вақтида бериладиган маош ва пенсиялар, хуллас, қўлай турмуш тарзимиз учун давлат сарфлайдиган маблағдир. Ҳар кимнинг тўлаган солиғи занжирли тизим орқали ўзига қайтиб келади.

Президентимизнинг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони солиқ сиёсатида янги саҳифа очди. Мазкур концепцияда солиққа тортиш тизимини тўздан ислох этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган. Қўлай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қонунчилиги барқарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкларини камайтириш, республикамизнинг инвестицион жозибдорлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциянинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

— Мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилигини тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим

Давоми 2-бетда ➡

ЭКСПОРТ ҚИЛГАННИНГ ЎРТАСИ БОР

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Тошкент туманидаги "Samara lux textile" корхонаси турли хилдаги кийим-кечаклар тикишга ихтисослашган. Фаолиятини 2013 йилда бошлаган корхона шу муддат ичида нафақат юртимиз, балки чет эл бозорларида ҳам ўз хараидорларини топишга улгурди. Жумладан, бу ерда тикилаётган маҳсулотлар Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда.



Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

14 февраль — Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун



«СЎЗИМНИ ЎҚУБ, АНГЛАҒАЙСЕН ЎЗУМНИ»

Заҳриддин Муҳаммад Бобур қирқ етти йиллик қисқа умри давомида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди. Илму маърифатга ташна ул зотнинг устози — Бухорои шариф мадрасалари, Боғдод-у Басра саводхоналари эмас, шафқатсиз, отасиз ҳаёт саҳни, жанг майдони бўлди.

Қисмат уни, бир томондан, ўн тўққиз ёшида туғилган юртини тарк этишга мажбур қилган бўлса, иккинчи тарафдан, йигирма беш ёшида Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш каби мамлакатларнинг аксар қисмини забт этишга, шу билан

буюк бобурийлар салтанатига асос солишга мушарраф айлади.

Бобур Мирзо нафақат буюк саркарда, балки шоир, донишманд, фикр, табиатшунос, мантқ ва риёзиёт илмларидан хабардор ижодкор сифатида ўзидан бебаҳо маъна-

вий мерос қолдирди. У жангу жадаллар ичра ҳам фурсат топиб, шеър ёза олган дилбар шахс. Жумладан, "Бобурнома"да 1499-1500-йиллар воқеасини сўзлар экан "ул фурсатларда бирор-иккирол байт айтур эрдим", — дейди.

Давоми 4-бетда ➡

Мавзуга қайтиб...

«ПОРЛОҚ ЙЎЛ» КОЛХОЗИГА ҚАЙСИ КЎЧАДАН БОРИЛАДИ?

Вилоят ИИБ ЙҲХБ тақдим этган маълумотларга кўра, ҳудудларда ўтган йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 52 фоизи кеч соат 18:00 дан эрталабки 06:00 гача бўлган вақт оралиғида, хусусан, қатнов қисми ёритилмаган аҳоли яшаш пунктларида содир бўлган.

4

Тошкент вилоятида бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси 2019 йил 16 февраль куни соат 10:00 да Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройи биносидан ўтказилсин.

2. Мазкур қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов Комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек, бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов
комиссияси
раиси М. АБДУСАЛОМОВ

2019 йил 12 февраль

Депутат минбари

Бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий жабҳалардаги янгиликлар халқимизнинг ижтимоий фаоллигини ошириб, дахлдорлик ҳиссини қучайтирмоқда.

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Бу борада, албатта, Парламентнинг ҳам ўрни тобора ортиб бораёпти. Пировардида қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига бевосита таъсири янада кучайишига эришилаётди.

Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлик корпуси халқ билан бевосита мулоқотини изчил давом эттирди. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказилиб, уларнинг дарди-ташвиши тингланди.

Давоми 2-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН
МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ
КУЧАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилаётган (патронат) васий ва ҳомийликка номзодларни, фарзандликка олаётганлар ва оилавий болалар уйларининг тарбияловчи ота-оналарини танлаш ва кузатиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги ва бошқа давлат органларининг "Ишонч телефонлари" орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил қилсин, шунингдек, "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларида зарур алоқа воситалари билан жиҳозланган алоҳида хоналар ажратилишини, "Ишонч телефонлари" узлуксиз ишлашини ҳамда улардан тарбияланувчиларнинг эркин фойдаланишини таъминласин.

4. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича "Йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

оилавий васийлик ва ҳомийликнинг турли шакллари яратишга қўмаклашсин;

2019 йил 1 июнга қадар "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларининг ҳудудлари ва хоналари видеокузатув камералари билан жиҳозлангани таъминласин, видеоёзувлар махсус архивда камда бир ой давомида сақланишини назарда тutsин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари ва болалар уйларидagi видеокузатув камераларининг техник созлиги ва узлуксиз ишлашини, кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида архивлаштиришни таъминласин.

6. Васийлик ва ҳомийлик органлари, "Меҳрибонлик" уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйлари ҳамда етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун бошқа тарбия муассасалари:

давлат нотариал идоралари, Давлат хизматлари марказлари, ФХДЕ ва ички ишлар органлари, давлат тиббиёт ва бошқа муассасалар орқали етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштиришда;

етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилишда давлат божи ва бошқа тўловлардан озод этил-

Бошлангичи 1-бетда

син.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда харажатлар сметасини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг соҳага ихтисослаштирилган муассасаларида тиббиёт тизими педагогик ходимларининг малакасини ошириш учун маблағларни назарда тutsин.

Белгилансинки, асосий ишидан ажралган ҳолда педагог ходимларнинг малакасини ошириш курсларига юборилган тингловчиларга ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланади.

8. Қуйидагилар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар (туман) ҳокимлари:

"Меҳрибонлик" уйларида кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг болалари ҳамда ота ёки онадан бирига эга болаларни вақтинчалик жойлаштириш бўйича қарорларнинг асослантирилганлиги;

уй-жойга муҳтож сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўз вақтида тураржойлар ажратишини қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлаш учун шахсий жавобгар эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга тураржойлар ажратилиши устидан назоратни кучайтирсин.

9. Тижорат банкларида етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга, шу жумладан, улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган шахсларга ёш оилалар учун назарда тутилган шартларда, кўп квартиралли уйлардан квартира сотиб олиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

Белгилансинки, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг дастлабки бадални Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлаб берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг маиший ва тураржой шароитларини яхшилаш мақсадида, шаҳарлар ва қишлоқ жойларида арзон кўп квартиралли уйларни қуриш параметрларини шакллантиришда, 2020 йилдан бошлаб уй-жойга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга имтиёзли ипотека кредити бериш асосида сотиш учун уйлар қурилишини назарда тutsин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ишга

жойлаштирилиши устидан тизимли мониторинг механизмини ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишда тарбия муассасаларини тамомлаган етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ишга жойлаштириш бўйича қўшимча қафолатларни назарда тutsин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

"Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчалари тарбияланувчиларини дастурлаш кўникмаларига ўргатиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлаш мақсадида уларнинг Интернет тармоғига улашини ва компьютерлар билан жиҳозланишини, бунда 10-11-синф ўқувчиларига "ахборот-коммуникация технологиялари" йўналишида етакчи ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи учун шароитлар яратилишини;

электрон ўқув, шу жумладан, компьютер дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасидаги материаллардан фойдаланиш мақсадида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларининг "ZiyoNET" таълим тармоғига улашини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларнинг тутигган ота-оналари доимий прописка қилинган уй-жой майдонига доимий прописка қилинишини таъминлаш бўйича тақлифлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда кўзда тутилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин, шунингдек, ҳар йили Давлат бюджети параметрларида ушбу кўрсатилган мақсадлар учун маблағни назарда тutsин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидин, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 февраль

Парламент қуйи палатаси фаолиятининг муҳим тамойили ҳисобланган қонун ижодкорлиги фаолиятига жамоатчиликни кенг жалб қилиш, шу жумладан, қонун лойиҳаларини фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини ўрганган ҳолда тайёрлаш, қўриб чиқилаётган ҳужжатлар юзасидан аҳоли ўртасида очик муҳокамалар ўтказиш амалиётини тизимли тарзда йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

2018 йилда қуйи палатанинг қўриб чиқишида 173 та қонун лойиҳаси (2017 йилда 147 та эди) мавзуд бўлиб, улардан 145 таси 2018 йилда киритилган, 28 таси эса, олдинги ҳисобот давридан ўтган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган 1 та Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори лойиҳаси қўриб чиқилган.

Таъкидлаш жоизки, 173 та қонун лойиҳасидан 23 таси янги, 10 таси янги таҳрирдаги, 18 таси халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилишни ҳамда 122 таси айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритишни назарда тutsган қонун лойиҳаларидир.

Ўтган даврда парламент қуйи палатасининг фаолияти самарадорлиги, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва асослиги ҳамда тўғридан-тўғри таъсирини таъминлаш борасидаги ишлар тубдан қучайтирилди. Хусусан, муҳим ижтимоий, социал-иқтисодий аҳамиятга эга қонун лойиҳаларини қўриб чиқишнинг барча босқичида уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, аҳолининг фикр-мулоҳазаларини бевосита жойига қилиб ўрганиш ва қўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини шу асосда такомиллаштириш амалиёти тизимли йўлга қўйилди.

Қонун лойиҳалари юзасидан кенг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш мақсадида улар депутатлар бирлашмалари ҳамда қўмиталар томонидан интернет тармоғига, жумладан, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтига ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириб берилди. Улар бўйича қўлаб тақлифлар, фикр-мулоҳазалар олинди.

Қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш амалиёти, биринчи навбатда, қабул қилинаётган қонунларда сайловчиларнинг манфаатларини яна-

да тўлиқ ифодалашга, ушбу қонунларнинг ҳаётга самарали жорий этилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари таъминотини яхшилаш, соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ қилиш борасидаги ишларни янада қучайтириш мақсадида 2018 йил 4 январда Қонунчилик палатасида масъул қўмита – Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик

САЙЛОВЧИЛАР
ИШОНЧНИНГ ОҚЛАШ
– МУҲИМ ВАЗИФА

палатаси ваколати доирасида давлат бошқаруви органлари фаолияти, қонунлар ижроси, мамлакатни энг муҳим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш давлат дастурларининг сўзсиз бажарилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш ва уни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда Қонунчилик палатасида 16 та парламент эшитиш ўтказилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ, Қонунчилик палатасининг "Хукумат соати"ни ўтказиш жадвали ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Мазкур амалиёт миллий парламент тарихида ilk бор ташкил этилди. Деputатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳоли юзасидан олиб борган ўрганишлари ҳамда одамлардан келаётган мурожаатлардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари тақлифларига кўра, "Хукумат соати"га киритилган саволларга бир қатор ҳукумат аъзолари жавоб беришди.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳолининг манфаатларини муҳофаза-лаш, сайловчилар ишончини оқлашга ҳар томонлама эътибор қаратиб келаяпти.

Нилуфар САМАДЖЕТОВА,
Шўхрат САИДХАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутатлари

ЭКСПОРТ
ҚИЛГАННИНГ
ЭРТАСИ БОР

– Экспорт – ривожланишни белгилайдиган муҳим омилдир, – дейди корхона директори Фозилжон Каримов. – Тадбиркор бўла туриб, Президентимиз томонидан экспортёрларга яратилаётган кенг имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланмаслик, бизга ярашмайди. Дунё брендларини кузатиб борамиз, ўзимиз ҳам янгиларни яратамиз. Зеро, бир оз тўхтасак, ютқизишимизни биламиз. Шунингдек, "Сифат, сифат ва яна сифат". Ниятимиз, жаҳон бозорларини забт этган Италия трикотаж маҳ-



сулотлари даражасига етиш ва ундан ўтиш. Бизда барча нарса етарли ва бу борадаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Корхонада бугунги кунда 100 нафар ишчи меҳнат қилапти. Улар учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда тикув, тўкув ва печать (безак) боши цехлари бор. Барча асбоб-ускуна ва дастгоҳлар Европа мамлакатларидан келтирилган. Иш жараёнига креатив ёндашиб, инновацион технологияларни қўллаган ҳолда ишлашапти. Корхонада йилга ўртача 3-4 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Ўз мухбиримиз

Қаҳрамон Ходжаев:

«СОЛИҚЛАР КИМНИНГДИР
ЧЎНТАГИГА ТУШМАЙДИ...»

лигини ҳисоблаш тарзида солиқ тўловчиларга сервис хизматлари кўрсатади ҳамда ҳисобланган солиқлар суммаси ҳақида солиқ тўловчининг "шахсий кабинети" орқали хабарнома юборилади.

– Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида республикамизнинг 14 та ҳудудига "Солиқ-сервис" ДУКнинг ҳудудий марказлари ташкил этилибди. Унинг асосий вазифалари нималардан иборат?

– Асосий вазифа солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда техник жиҳатдан қўмаклашиш, шунингдек, ҳисоботлар ва декларацияларни қабул қилиш бўйича солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш юзасидан давлат солиқ хизмати органларига амалий ёрдам бериш. Давлат солиқ хиз-

мати органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимини техник, дастурий ва ахборот таъминотини бошқариш, солиқ органлари фаолияти натижасида юзага ке-

ладиган ҳужжатларни қоғоз ва электрон шаклда марказлашган ҳолда архивда сақлаш. Шунингдек, "call-марказ" махсус сервиси орқали аҳолига ахборот хизматларини кўрсатиш ҳамда солиқ тўловчиларни электрон ҳисобварақ-фактураларни юритиш қондалари бўйича ўқитиш, уларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини етказишдан иборатдир.

– Агар товарларни юклаб жўнатиш 2018 йилда, тўлов эса 2019 йилда амалга оширилган бўлса, ушбу шартнома бўйича ҚҚС тўланадими? Бу қўлаб тадбиркорларни ўйлантираётган масала. Шу ҳақда тўлиқ тушунча берсангиз...

– Товарларни реализация

қилиш обороти амалга оширилган (ҚҚС бўйича мажбуриятларнинг юзага келиши) сана товарлар жўнатиш ва ҳисобварақ-фактура тақдим этилган санадан



ҳисобланади ва сиз 2018 йилда ҚҚС тўловчиси бўлмаганингиз учун мазкур шартнома бўйича ҚҚС тўланмайди.

– Дейлик, дори-дармон чакана савдоси билан шуғулланадиган корхона 2019 йил 1 январдан умумбелгиланган солиқ тўлови режимида ўтди. Йиллик айланма маблағи 1 млрд. сўмдан ошмайдиган бошқа

ҚОНУНЧИЛИККА БИНОАН

шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салонига
қуйидаги тиббий ашёлар бўлиши шарт:

- ностерил тиббий докали бинт;
- стерил тиббий докали бинт;
- стерил тиббий докали салфеткалар;
- бактерицид лейкопластирь;
- рулонли лейкопластирь;
- "Оғиз-восита-оғиз" усулида сунъий нафас ўтказиш учун тўсик воситаси;
- аммиак эритмаси – 10 фозли

- (нашатири спирти);
- қайчи;
- тиббий қўлқоплар;
- тиббиёт қутичаси.





Халқ билан мулоқот

Фуқаро И. Ҳасанов Чирчиқ шаҳри, "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 34-уйда 18 йилдан буён истиқомат қилади. Унинг коммунал ва бошқа тўловларини ўз вақтида тўлаб келади, деб ёзди ЎЗА муҳбири. Аммо, фуқаронинг фиғони фалакда. Хўш, нега?

ОЛИЙ СУД САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗДИ

— Оилада 13 нафар жонмиз, — дейди у. — Икки хонали 16-хонадонда оилам билан 2000-йилдан ижара асосида яшашни бошладик. Орадан 2 йил ўтиб, уйнинг эгаси вафот этди. Ворислари йўқ эди. Шу-шу, ушбу манзилда яшаб, уйнинг барча коммунал ва бошқа тўловларини вақтида тўлаб келамиз. Муаммо шундаки, уйга эгалик ҳуқуқи сўраб, шаҳар судига мурожаат қилсам, ҳокимиятга, ҳокимият эса яна қайта судга йўналтиради. Хуллас, мурожаатимнинг ечими йўқ, икки ташкилот ўртасида сарсонман...

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилган сайёр қабулларда фуқаролар томонидан шу каби кўплаб муаммолар мурожаатлар келиб тушди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналарида ташкил этилган ушбу тадбирларда Олий суд, вилоят, туман ва шаҳар судлари судьялари томонидан фуқаролар мурожаати тегишли тартибда ўрганилиб, ҳал этилди.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли мурожаатлари билан ишлашда мутлақо янги, самарали тизим яратилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси, Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси ўринбосари И. Муслимов. — Бу йўналишдаги ишлар самарасини Президентимизнинг виртуал қабулхонаси ва жойлардаги Халқ қабулхоналари фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар томонидан жойларда сайёр қабуллар ташкил этилаётгани аҳолининг мурожаатларини самарали ҳал этишда муҳим омили бўлмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида Олий суд раҳбарияти ва судьялари томонидан юртимизнинг барча туман ва шаҳарларида сайёр қабуллар ўтказиш режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, сайёр қабулларда фуқароларнинг жиноят ишларига оид 130 га яқин, фуқаролик ишлари бўйича 150 дан ортиқ, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича 50 та, жами 330 дан ортиқ ёзма ва оғзаки мурожаати ўрганиб чиқилган. Ўрганилган мурожаатлар бўйича 300 дан ортиқ фуқарога ҳуқуқий тушунтириш берилган бўлса, 31 та мурожаат юзасидан Олий судда кўриб чиқиш учун ариза қабул қилинган.

Худди шундай сайёр қабуллар вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги Халқ қабулхоналарида ҳам бўлиб ўтди.

ҚАДРИЯТЛАР УЛУҒЛАНГАН ХОНАДОНДА

файз-барака,
фаровонлик бўлади

Шариповлар оиласига Янгийўл тумани, "Олмазор" маҳалласида кўплар ҳавас қилади. Оила бошлиғи Илҳом Шарипов ҳозир нафақада. У киши ҳарбий бўлган. Турмуш ўртоқлари Муборак Шарипова 24 йилдан бери мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим бериб келмоқда.

Бахт ошени

Фидойи, меҳрибон устознинг мактаб жамоаси ва ўқувчилар орасида ҳурмати баланд. Уларнинг 28 йиллик умр йўлларида назар солсангиз, оила деб аталмиш мустақкам кўрғоннинг ўз-ўзидан бино бўлмаслигини англаймиз.

— Ушбу оиладаги ўзаро ҳурмат, аҳиллиқни маҳалламиздагиларга ўрнак қилиб кўрсатамиз, — дейди маҳалланинг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустақамлаш бўйича мутахассиси Ўғилой Холиқуллова. — Фарзандларини ҳам билимли, юртга керакли инсонлар қилиб

тарбиялашган. Қолаверса, улар маҳалла ишларида фаол, ҳушмуомала ва саховатпеша инсонлар.

Қўшилларнинг айтишича, оила бекаси узок йиллар қайнота-қайнонасининг хизматларида бўлиб, уларнинг дуосини олган. Турмушда учрайдиган қийинчиликларга сабр-қаноат билан бардош берган. Уни ҳозирги келинларга ибрат қилиб кўрсатишар экан.

Ҳозирда опахоннинг ўзлари ҳам қайноналар, Муборак опа келинини ўз қизидай кўради. Билмаганларини ётиги билан ўргатиб келаяпти.



— Оилада отанинг ўрни катта, — дейди Муборак опа. — Фақат ота бера оладиган ўғитлар бор. Илму ҳунарга ихлос, меҳнатсеварлик, мардлик, жасурлик, йигитлик ғурури отадан ўтади. Зарарли одатлардан болани эҳтиёт қилимоққа ҳам, аввало, ота бурчли ва масъулдир.

— Тарбияда онанинг ўрни отаникидан кам эмас, — дея турмуш ўртоғини қувватлайди Илҳом ака. — Ота оилани таъминлайман, рўзғорни тўлдирман деб, тарбияга вақти етмаслиги мумкин. Шунда, табиий-



ки, болалар онанинг таъсирида тарбияланади. Асосийси, фарзандлар тарбиясида қаттиққўллик билан меҳрни омикта қилган ҳолда иш тутган маъқул. Ўзим оилада қаттиққўллик кўпроқ даркор деб ҳисоблайман. Шукрки, уч фарзандимиз ортидан доим илиқ сўзлар эшитиб келаямиз.

Илҳом ака нафақага чиққандан сўнг ҳам бекор ўтиргани йўқ. Невараларини ёнига олиб, томорқасида ишга солди. Ҳовлидаги икки сотихли иссиқхонада лимон етиштиришди. Шунингдек, мўъжазгина боғларида турли хил мева кўчатларини парвариш қилишмоқда. Барча сабзавоту мева-чевалар деярли ўзларидан чиқади. Рўзғордан ортганини бозорга чиқариб, қўшимча даромад ҳам олишмоқда.

Айримлар узоклардан излайдиган бахт деганлари аслида шу бўлса, не ажаб...

Зухриддин ҚАМБАРОВ
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар

«ИЛК ҚАДАМ»НИНГ ЗАЛВОРИ

Пискент туманидаги 2-мактабга таълим муассасаси вилоятимиздаги намунали таълим масканларидан биридир. Муассасада 6 та гуруҳ мавжуд бўлиб, 140 нафар кичкинтойни ўз бағрига олган.

Мактабга таълим

Бу масканда таълим-тарбия олаётган болажонларнинг ақлан ва жисмонан баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шароитлар яратилган. Малакали психолог, мо-

ҳир тарбиячилар "Илк қадам" Давлат ўқув дастури асосида болажонларга сифатли таълим-тарбия бериб келмоқдалар. Боғчада рус ва инглиз тили тўғрисида мун-

тазам фаолият олиб боради. Саранжом-саришта ётоқхоналар, ўйин майдончалари, қизиқарли эртак китоблари, ўйинчоқлар дилбандларимиз учун муҳайё этилган.



— Яқинда туман ҳокимлиги кўмағида муассасада яна бир янги инновацион гуруҳ очилди, — дейди муассаса раҳбари Матлуба Ёркинова. — Замона-

вий, инновацион жиҳозлар билан таъминланган ушбу хонада кичкинтойлар ақлий салоҳиятларини ўстиришлари мумкин.

Гўзал ҲАМИДОВА

Реклама ва эълонлар

Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Тошкент вилоятида 2018 йилнинг 10 майдан бошлаб давлат активлари ва кўчмас мулк объектларини сотиш фақат "E-IRO AUCTION" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташкил этиладиган электрон савдолар орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси 1 (бир) сўмга тенг қийматдаги бошланғич нархда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни баҳарли шарт билан сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очик аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очик аукцион савдоларига қуйдаги давлат активлари қўйилади.

№	№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда савдолари	Таъсиф этилган шартлар			
					Объект ташкил этилган мажбурий фойдаланиш тури (мавжуд бўлса)	Объектнинг инвестициявий энг кичик мавдурини (млн. сўм)	Объектнинг инвестициявий бажариш муддати	Объектнинг яратилган янги ўринлари сонини
Чиноз тумани								
	1	Дўкон биноси (31-сонли дўкон)	Чиноз тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, А.Темур ф/у	Чиноз тумани ҳокимлиги	Савдо дўқони	300,00	6 ой	2
	2	Нотуражой биноси	Чиноз тумани, "Янги Чиноз" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Савдо дўқони	300,00	6 ой	2
	3	Иссиқлик манбаи қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Янги Чиноз" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	—	650,00	8 ой	10
	4	Иссиқлик манбаи қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Олмазор" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	Итлақоблок, свродвор, темир дарвоза, таъжаралар ишлаб чиқариш	500,00	8 ой	10
	5	Собиқ қозонхона биноси	Чиноз тумани, "Тўлқоробод" МФЙ	Чиноз тумани ҳокимлиги	—	800,00	8 ой	10
Пискент тумани								
	6	Қариялар оромгоҳи бино ва иншоотлари	Пискент тумани, "Чўлакўрғон" МФЙ	Пискент тумани ҳокимлиги	—	100,00	24 ой	5
	7	Эски 2-бўлим идора биноси	Пискент тумани, "Чўлакўрғон" МФЙ, А. Навоий кўчаси	Пискент тумани ҳокимлиги	—	100,00	12 ой	4
	8	Қариялар оромгоҳи бино ва иншоотлари	Пискент тумани, "Янгиобод" МФЙ	Пискент тумани ҳокимлиги	—	100,00	24 ой	50
	9	Тугатилган ПМК-3 нинг фойдаланишга тўғри келмаган биноси	Пискент тумани, Ойбек маҳалласи	Пискент тумани ҳокимлиги	—	200,00	24 ой	10
Ўрта Чирчиқ тумани								
	10	Собиқ почта биноси	Ўрта Чирчиқ тумани, Уйшун ҚФЙ	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	100,00	12	2
	11	Дўкон биноси	Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ, Завод кўчаси	Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	—	90,00	12	9
Тошкент тумани								
	12	Дўкон биноси	Тошкент тумани, Келес шаҳри, "Оқибат" МФЙ	Тошкент тумани ҳокимлиги	Савдо дўқони	130	12	5
	13	Опхона биноси	Тошкент тумани, Келес шаҳри "Оқибат" МФЙ	Тошкент тумани ҳокимлиги	Ишлаб чиқариш	240	12	8

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича гоилиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2019 йил 20 январдан бошлаб объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 10 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 233-22-73, 233-62-05.

E-mail: tashreg@gki.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўрилган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақамли Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Эшитмадим, деманглар!

ЙПХ ИНСПЕКТОРИ ҲАЙДОВЧИДАН СЕРТИФИКАТИНИ СЎРАШГА ҲАҚЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев ижтимоий тармоқлар орқали бугун кўпчиликни қизиқтираётган ва муҳокама қилинган мавзуга доир пост эълон қилди. Унда жумладан шундай дейилади:

Шу кунларда депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 135-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилиб, қабул қилинди.



Унга кўра, эндиликда "йўловчи ёки юк ташиш фаолиятини амалга оширувчи ҳайдовчининг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати" бўлиши зарур.

Демак, бундан англашиладики, қонун кучга кирган тақдирда йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори ҳужжатни кўздан кечиришда барча юридик шахсларга тегишли автотранспорт ҳайдовчиларидан эмас, балки фақат йўловчи ва юк ташишга ихтисослашган ҳайдовчилардангина малака оширганлиги ҳақида сертификатни кўрсатишни талаб қилиши мумкин бўлади.

@haqiqatonline

Килмиш-кидирмиш

Талабадан 600 минг сўм олган декан ўринбосари кўлга тушди

Тошкент давлат аграр университети декани ўринбосари Х.А. университетнинг 2-босқич талабаси А.дан унинг якуний имтиҳонларга киришига рухсат бериш эвазига 600 минг сўм олаётган вақтида ашъвий далиллар билан ушланган.

Бу Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фош этилди.

Бундан ташқари, Х.А. мунтазам равишда дарс соатларини қолдирган 11 нафар талабадан имтиҳонларга киришларига рухсат бериши эвазига жами 4,6 миллион сўм пул олгани ҳам маълум бўлди.

Бош прокуратура матбуот хизмати хабарига кўра, мазкур ҳолат юзасидан Х.А.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

@haqiqatonline

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, "ОБОД" маҳалласи, Тошкент йўли кўчасида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 5 қаватли маъмурий биносини лойиҳалаштиришга тақдим этилган оферталар

2019 йил 13 февраль куни соат 11.00 да очилишини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй.

Буюртмачи томонидан танлов оферталари қуйдаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй.

Буюртмачига оферталарни тақдим этишнинг охириги муддати – оферталарни очиш куни ва соати.

Тел.: (71) 233-30-56. Эл.почта: Tashreg@gki.uz

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон Давлат филармонияси Тошкент вилояти бўлими Тошкент вилоятида доимий яшовчи олий маълумотли, иқтидорли хонанда, созанда ва раққосаларни ишга қабул қилиш мақсадида

2019 йил 15 февраль куни соат 14.00 да Нурафшон шаҳридаги 12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг катта залида танлов ўтказилади.

Барча ҳоҳловчилар танловда иштирок этишлари мумкин.

Республика "Хунарманд" уюшмаси Бошқарув Кенгаши раисининг 2019 йил 5 февралдаги №03/2019-сонли қарорига асосан, тугатиш комиссиясининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Халқ усталари, хунармандлари ва мусавирлари "Хунарманд" уюшмаси Ангрен шаҳар бўлимининг эски муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР қилинади.

Товоқсой иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунара коллежи томонидан 2007 йил 21 июнда Жунисов Нуржан Мухаммадкаримович номига берилган К № 808321-сонли (рўйхат рақами 173) бўлган диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР қилинади.

Унинг лирик мероси ҳажми жиҳатдан унча катта бўлмаганди, мавзу доираси, шаклий тақомили ва бадиияти жиҳатидан алоҳида эътиборга моликдир.

Кези келганда шуни айтиш керакки, мактабларда ўқувчиларни Бобурнинг ҳаёти ва ижоди, рубоийларидаги Ватан соғинчи, ғазалларидаги бадиият, шунингдек, "Бобурнома" билан янада кенгрок таълимоти зарур. Бу ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Хорижий давлатларда таълим олиш, уларнинг тили, маданияти, санъатини ўрганиш, барча мамлакатлар билан ҳамкор-ҳамнафас бўлиб яшашга интилиш кучайган ҳозирги вақтда Бобурнинг ўз она тили билан биргаликда, форс, ҳатто, урду тилида ҳам шеърлар битганини таъкидлаш ўринли.

У таржимонлик ҳам самарали ижод қилган. Жумладан, Ҳўжа Аҳрорнинг форс тилида битилган "Волидия" асарини туркийга таржима қилган. Ушбу асарни ўқувчиларга мустақил мурожаат учун вазифа қилиб берилса, синфдан ташқари машғулотларда, тарбиявий соатларда таҳлил ва талқин этилса, уларни диний ва миллий қадриятлар асоси

Бошланғич 1-бета

сида тарбиялашга хизмат қиларди. "Мухтасар" асари эса таълим тизимида адабиёт назарияси, аруз ҳақида маълумот бериш билан бирга, назми тушуниш, ҳис этиш имконини беради.

Бобур нозиктаб ижодкор сифатида асл гўзалликдан бутун инсониятнинг баҳраманд бўлишини истар эди. Унинг ўзи пок-у, кўзи

Агар инсон ўзидаги камчиликларни сезса-ю, аммо уни бартараф этиш ҳақида бош қотирмаса, у ҳеч қачон камолот чўққисига кўтарилмайди.

"Бобурнома"даги бир лавҳага эътиборимизни қаратайлик, "...сон-галар йиғитлик ҳавасидан ва нафс тақозосиданки, чоғирга майл пайдо бўлди, тақлиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирга майлимни би-

Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган урф-одатлар, расм-русумлар ўта қузатувчан кишининг нигоҳи билан акс эттирилган.

Эслаган чиқарсиз, туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқига келин-чакнинг юзига парда тутиб, қайнота, қайнона уйда ифбат билан юриш одати бор. Ойладаги ёши катталарнинг унинг юзига пар-

рўзор ишларини бажаришга киришади. Мана шу одат "Бобурнома"да қуйидагича баён қилинган: "Яна бири Хонзода бегим эди. Тирмиз хонзодаларидан эди. Мен Самарқандда беш ёшимда Султон Аҳмад Мирзо қошига келган фурсатда олиб эди. Ҳануз юзи ёпуғи бор эди. Туркона расм била манга буюрдилар, мен юзини очтим".

Бобурнинг буюклиги шундаки, унинг илмий ҳофизаси бир инсон, бир мамлакат доирасидагина чекланиб қолмаган. У бутун жаҳон доғишмандлари қаторидан жой олган, барча халқларнинг вакилларига адолат кўзи билан қараб, уларнинг урф-одатларини ҳурмат қилади, жамият аъзоларининг мансабига, давлатига қараб эмас, инсоний фазилатларига қараб ардоқлайди. "...Унинг саройида ҳар хил диний эътиқоддаги, янги фикр, мулоҳазаларни изҳор қиладиган одамларни учратиш мумкин эди", - дейди Жаҳоҳарлал Неру.

Дарҳақиқат, Бобур меросини ўрганиш орқали ўзимизни ислоҳ қиламиз, масъулият туйғусини ҳис этамиз. Ўқувчи-ёшларимизга миллатларaro ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенглик гоёларини тарғиб этишда, Ватанни севишга ўргатишда Бобур ижодида таянамиз.

Мухайё МАМАТҚУЛОВА,
Нурафшон шаҳридаги 1-умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Бизга

ёзадилар

Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида "Миллий руҳ - енгилмас куч" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда "Инсон ва қонун" газетаси бош муҳаррири, ёзувчи ва драматург Қўчқор Норқобил иштирок этди.

МИЛЛИЙ РУҲ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Тадбирда ёзувчи ўз ижодий ҳаёти йили ва асарлари ҳақида гапириб берди. Курсантларга яхши таниш кўлаб спектакллар муаллифи билан бўлган учрашув низоҳатда қизиқарли ўтди.

— Ҳар ҳафта турли йўналишларда тадбирлар ўтказамиз, - дейди билим юрти бошлигининг тарбиявий ва мафқуравий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Ақром Шоҳақимов. - Бундай тадбирлар ҳарбий хизматчиларнинг маънавий салоҳиятини ошириб, кенг дунёқарабини бойитишга хизмат қилади.

Гофур ДЕҲҚОНОВ,
Чирчиқ олий танк
кўмондонлик-муҳандислик
билим юрти капитани

«СЎЗИМИНИ ЎҚУБ, АНЛАҒАЙСЕН ЎЗУМИ»



пок-у, сўзи пок инсонларни қуйлагани беҳиз эмас.

Шоирнинг ёзишча, одам доим ўзини ўзи тарбиялаб бориши лозим. Шунда у нуқсонларини кўриб, уларни йўқотишга ҳаракат қилади.

лур киши йўқ эди. Кўнглум агарчи мойил эди, мундоқ қилмагон амрни ўзлук била қилмоқ мушкул эди.

Бобур халқ мақоллари, сўз ўйинлари, фольклор образларидан маҳорат билан фойдаланиб, лирик шеърининг бадиий мукамаллигини, эстетик таъсирчанлигини оширган. Мароқли ва жозибали усул билан турли хил саргузаштлар, ривоят ва латифаларни ҳикоя қилади. Халқ юмори, мақоллари билан ўз асарларини бойитди, турли хилдаги бадиий йўналиш ва тил воситаларидан фойдаланади. Шунингдек, асарларида Ўрта Осиё,

дани олишлари келинчакка нисбатан ҳурматсизлик, деб қаралган. Шунинг учун ҳам пардани кичик ёшдаги қариндошлар олади. Бу кун эл ўртасида "юз очди" кунни дейлиб, кичикроқ доирага ош тортилади. Шу вақтдан бошлаб, келин

Мавзуга қайтиб...

Сўнгги кунларда интернет сайтларида автомобиль тўқнашувлари, одам уриб юбориш билан боғлиқ лавҳалар кўпайиб бормоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, инсонлар ўлимга сабаб бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти кечки (18.00 дан 24.00 гача) вақтга келмоқда. Ҳўш, бу борада вилотимизда вазият қандай?

Вилотимиз ҳудудидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва шаҳар магистраль кўчаларининг узунлиги 5 минг 812 км.ни ташкил қилиб, шундан 1 минг 823 км. (31,3 фоиз) аҳоли яшаш пунктлари ҳудудидан ўтади. Ушбу автомобиль йўлларининг 168 км.га (9,2 фоиз) ёритиш чироқлари ўрнатилган бўлсада, уларнинг 72 км.дагиси (42,8 фоиз) ишламайди. Яъни, ё лампочкалар ўрнатилмаган ёки керакли тизимга уланмаган.

— Қибрай туманидаги 4Р5 "Тошкент - Қибрай - Май" автомобиль йўлида 11 км. масофа ораллигида тунги ёритиш чироқларидан фойдаланилмайди, - дейди вилот ИИБ ЙҲХБ матбуот гуруҳи инспектори Рустам Асқаров. - Бу ҳали ҳаммаси эмас. Масалан, Зангиота туманидаги М34 "Тошкент - Душанбе" автомобиль йўлида 9 км., Чирчиқ шаҳридаги 4Р6 "Тошкент - Чирчиқ - Чимён" йўлида 7 км., Охангарон шаҳридаги А373 М39 автойўлида "Гулистон - Бўқа - Ангрен - Қўқон" ва Андижон орқали ўш автомобил йўлида 6 км. масофагача бўлган ораллиқларда ва бошқа шу каби жойларга ўрнатилган тунги ёритиш чироқларидан фойдаланилмай келинмоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йил мобайнида айнан ёритиш чироқлари ўрнатилган, лекин, ишлатилмаётган 72 километр автомобиль йўлларида тунги вақтда 52 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Натижада, 14 киши ҳалок бўлган ва 48 киши турли хил тан жароҳатлари олган.

Ваҳоланки, бу борадаги тегишли ташкилотларга ёзма равишда мурожаат қилинишига қарамасдан номаълум сабабларга кўра, топшириқлар ижроси масъул ходимлар томонидан бажарилмапти.

Эътибор беринг, айнан йўлларда ўрнатилган тунги чироқлар ёритилмаслиги натижасида 14 киши вафот этган. Энг ачинарлиси, бу ҳолат ҳали-ҳануз давом этмоқда. Хусусан, шу йилнинг 26 январь кунини, кеч соат 21:20 ларда Қибрай тумани, "Олмазор" МФЙ ҳудудида ҳайдовчи Мурод Мансуров ва шу маҳаллалик Сарвар Ризаев (исм-шарифлар ўзгаририлган) бошқарувидаги "Жигули" русумли автоулов-

ларнинг ўзаро тўқнашуви фожиа билан якунланган. Олган оғир тан жароҳати туфайли 29 ёшли Сарвар Ризаев кўп ўтмай шифохонада жон таслим қилган. Ҳодисанинг иккинчи иштирокчисининг ҳам ҳаётини сақлаб қолиш имкони топилмади... Воқеани ўрганиш мобайнида ҳодиса содир бўлган "Олмазор" маҳалласининг ички автомобил йўлларида тунги ёритиш тизимлари мутлақо ишламаслиги маълум бўлди.

Шу ўринда тунги чироқларни рисоладагидек ишлаши ва уларни зарур жойларга ўрнатишга масъул бўлган ташкилот раҳбарлигига аччиқ саволларимиз бор. Айтингчи, навбатдаги қурбон ким? Худо

«ПОРЛОҚ ЙЎЛ» КОЛХОЗИГА ҚАЙСИ КЎЧАДАН БОРИЛАДИ?

Вилотимизда тунги вақтда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда салмоғини кескин камайтириш мақсадида 1 минг 655 километр аҳоли яшаш пунктларидан ўтган автомобиль йўлларида тунги ёритиш чироқлари тез орада ўрнатилади. Шунингдек, ҳудудлардаги жами 72 километр автомобиль йўлларида ўрнатилган ва бугунги кунда фойдаланилмаётган тунги ёритиш чироқларини ишга тушириш чоралари ҳам кўрилади.



қўрсатмасини, шундай ҳолат яқин қариндошларингиз, жигарларингиз билан содир бўлса, кимни айблаган бўлардингиз?

Вилот ИИБ бошлиғи Тохир Ариповнинг қайд этишича, ўтган ҳафталарнинг бирида ҳудудларда содир бўлган 30 га яқин йўл-транспорт ҳодисаларининг аксари - 80 фоизга яқини (!) соат 18.00 дан 24.00 гача бўлган вақт ораллигида қайд этилган.

Шу ўринда, бу масалага берақ қараётган тегишли ташкилот раҳбарлигига амалдаги автомобиль йўлларида қуриш бўйича меъёрий ҳужжатга кўра, автомобиль йўлларининг аҳоли пунктларидан ўтган қисмида, автобус бекатлари олди, кўприклар ва йўл ўтказгичлар тунги ёритгичлар билан жиҳозланиши ке-



ёзиш жараёнида @haqiqatonline телеграмм каналимизга вилотимиз фуқароларидан бири мурожаат йўллади.

Унда "Ўрта Чирчиқ тумани зич аҳоли яшаш жойлари: "Шоликор", "Ёнгич-қоли", "Баландкўприк" маҳаллаларидан кесиб ўтган "Тошкент - Нурафшон" йўлида ёритиш чироқлари умуман йўқ. Автомобиллар ҳаракати эса тўхтовсиз. Сабаби, Нурафшон шаҳридаги вилот бошқармалари ходимларининг кўпчилиги Тошкент шаҳри, Зангиота, Янгийўл туманларидан қатнаб ишлашади. Тунда ҳам ҳаракат тўхтовсиз. Йўл яхши кўринмаслиги сабабли пйёдаларни уриб юбориш йўл-транспорт ҳодисалари кўп рўй беради", деб маълум қилинган.

Бу ҳудудларда ҳам мутасадди ташкилотлар то бир қурбон бўлгунча, парвойфалак юравермасдан, зудлик билан зарур чораларни кўриб, масалага ечим топилшарига ишонгимиз келади, аммо...

Бироқ, гап шу оддий, лекин оғрикли мавзуда кетганда орамизда ўз хонадонни ёки кўчасига биттагина лампочка қўймагани, ўзи ва оила аъзолари учун қа-

дар муҳимлигини англамайдиганлар ҳам учраб туриши афсусланарли.

Шунингдек, автомобиль йўллари ёнида жойлашган айрим маиший хизмат ва савдо масканлари, тўйхона ва умумқатланиш биноларининг ичида кўзни қамаштирувчи қўша-қўша ялт-юлт чироқлар ўрнатилгани яхши, албатта. Аммо, шундоқ ташқарига қиксангиз, атроф зимистон...

Шу пайтда, машҳур мультфильмдаги эпизод ёдга тушади: тракторчи тўтиқуш Кешани "Порлоқ йўл" колхозига олиб боради. У: "Нимаси порлоқ, ҳеч нарса кўринмайди-ку?" деса, содда тракторчи: "Эртага тонг отсин, ҳаммасини кўрасиз", дейди. Нима, мутасаддилар ҳам бу кўчалардан фақат кундузи юришадими?

Мутахассислар фикрига кўра, йўллар ва кўчаларнинг тўлиқ ёритилиши натижасида ЙТХ ва тунги жиноятлар 10-15 фоизга камайиши мумкин экан. Демак, биз қаламга олган мавзунинг қанчалик жиддий эканлигини тегишли ташкилот раҳбарлари ҳам англаб етишади, деб умид қиламиз.

Дарҳақиқат, биз қаламга олаётган мавзу ўта жиддий. Сабаби, кўчаларнинг зимистонлиги нафақат йўл-транспорт ҳодисалари, балки бошқа жиноятчиларга ҳам йўл очиб беради. Ўғирлар, талончилар, ёмон ниятли одамлар учун қулай шароит яратди.

Бироқ, мавзунини бу қадар чуқур олиб қимнидир айблаш ниятда эмасмиз. Мақсадимиз, ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик билан қараётган айрим раҳбарларни уйғотиб қўйиш орқали мавжуд муаммоларга имкон қадар тезроқ барҳам берилишига эришиш. Бордию, мақоламиз чоп этилганидан сўнг ҳам вазият ўзгармаса, унда айбдорларни номи-ном айтишдан бошқа чорамиз қолмайди.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Кеча Олмаликда Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичига ўтиш учун саралаш ўйини бўлиб ўтди.

Ўз тарихида илк марта қитъанинг энг нуфузли мусобақасида қатнашаётган "ОКМК" жамоаси Тожикистоннинг "Истиқлол" клуби билан куч си-нашди.

«ОКМК»ДАН ИРОДАЛИ ҒАЛАБА

Беллашув майдон эгалари учун бир оз нохуш бошланди. Илк дақиқалардаёқ ҳужумга ўтган меҳмонлар рақиб дарвозасини ишғол қилишди. Тезкор гол муаллифи Муҳаммаджон Раҳимов бўлди. Шундан сўнг олмаликликлар ўйинни ўз назоратига олишди. Кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштиришди. Бу ҳаракатлар 25-дақиқага келиб, гол билан якунланди. Жасур Ҳасановнинг бурчакдан етказиб берган тўпини Дилшод Жўраев дарвозага жойлаб, ҳисобни тенглаштирди.



Иккинчи бўлимини жамоалар фаоллик билан бошлашди. Майдонда кескин кураш кечди, футболчилар бир-бирларини аяб ўтиришмади. Қоида бузишлар ҳам кўпайди.

62-дақиқага келиб меҳмонлар ҳисобда яна олдинга чиқиб олишди. ОКМК ҳимоячилари ўз жарима майдончасида рақиб футболчиларини ёлғиз қолдиришди ва Кимсанов дарвозага тўпини йўллади.

Олмаликликлар ҳисобни тенглаштириш мақсадида ҳужумга зўр беришди. Кетма-кет рақиб дарвозаси томон ҳужумлар қилишди. Жасур Ҳасановнинг чап қанотдан бошлаган ҳужумини Санъат Шихов боши билан дарвозага жойлаб қўйди - 2:2! 78-дақиқада меҳмонлар учинчи голни уришди. Яна Ҳасанов чап қанотда фаоллик кўрсатди ва икки футболчини алдаб ўтган ҳолда жарима майдонига узатмани амалга оширди, Жасур Ҳасанов зарбада адашмади. Орадан кўп вақт ўтмай, Зафар Полвонов ҳисобни 4:2 қилди, унинг голи ҳам бош билан киритилди.

Миржалол Қосимов шогирдлари мазкур ғалабадан сўнг плей-оффнинг кейинги босқичига йўл олишди. Олмаликликларнинг кейинги рақибни Саудия Арабистонининг "Ан Наср" клубидир.

Ҳумоюн ҲАМЖОНОВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг

чоршанба ва шанба

кунлари чиқади.

Электрон

почталар:

thaiqat@gmail.uz

th-tp@mail.ru

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)

71 233-70-10

71 233-55-38

71 233-38-23, 71 233-48-08

71 233-65-59

71 233-54-10

Тошкент вилоти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусахҳих

Аллома АЗИЗОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3119. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қроғоз бичими А-2. 9 199 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 22.30.